## ЗАФАР НАШИДАСИ

ТОШКЕНТ. Вилоят деҳқонлари мамлакат ғалла мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшдилар. Хирмонга 214 минг тоннадан зиёд ҳосил тўкиб, зафар нашидасини сурдилар. Бу ғалабага Юқори Чирчиқ, Қибрай, Қуйи Чирчиқ, Бекобод, Оққўрғон тумани ғаллакорлари катта ҳисса қўшдилар. Ўртача ҳосилдорлик 35-36 центнерни ташкил этди.

*Соҳибжон САЛИМОВ.*

## ЁШЛИ ОНАХОНЛАР ГУРУНГИ

БУХОРО. Вобкент туманида 47 мингдан зиёд хотин-қиз иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда фаол бўлиб турибди. Туман ҳокимлиги мустақилликнинг 5 йиллиги, Вобкент тумани ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишлаб 70 ёшли онахонлар гурунгини ташкил қилди. Волидаи муҳтарамаларни туман ҳокими Муҳиддин Эсонов табриклади. Уларга қимматбаҳо мукофотлар топширилди. Куй-қўшиқлар янгради.

*Даврон БАҲРОНОВ.*

## БЕПУЛ ТЕЛЕФОН ХИЗМАТИ

НУКУС. Хўжайли тумани ҳокимлиги уруш ва меҳнат фахрийлари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга қулайлик яратди. Хусусан, деҳқон-фермер хўжаликлари бирлашмасининг кўпгина тармоқларида бундай кишилар ва оилаларга гуруч, ун, пахта ёғи каби озиқ-овқатлардан ёрдам уюштирилаётган эди. Яқиндан бошлаб уларга телефон учун ойига тўлаб келинаётган 60 сўм ҳам бекор қилиниб, бепул телефон хизмати йўлга қўйилди.

*Рейимбой ЕШИМБЕТОВ.*

## СЎНГГИ СОАТДА

янгиликлар, воқеалар, хабарлар

## ҲАМКИШЛОҚЛАР МАМНУН

ҚАШҚАДАРЁ. Атаулла Ибрагимовни Касби тумани кекса-ёшлари яхши билишади. Мураккаб ҳамкишлоқлар бу кишини зиёли, ташаббускор раҳбар сифатида ҳурмат қиладилар. У маиший хизмат, ижтимоий муҳофаза, томорқа ва ер участкаси билан таъминлаш, мактаб ва боғчаларни таъмирлаш, ариза ва шикоятларни вақтида кўриб чиқиш билан иззат топган. Қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Атаулла Ибрагимовни навбатдаги ҳисобот-сайловда иккинчи муддатга раис этиб сайлашгани ҳам шундан.

*Салим АШУРОВ.*

НАМАНГАН. *Норин туманида тиббиёт пахтаси ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси қурилмоқда. Тадбиркор Юсуфжон Бобожонов ташаббуси билан бунёд этилаётган*

## ЯНА МИНГТА ИШ ЎРНИ

*корхонада бир йўла 1134 нафар йигит-қиз ишлайдиган бўлади. Умумий қиймати 15 миллион сўмни ташкил этадиган бу корхонада йилига 5 минг тонна пахта тиббий мақсадларга мослаб қайта ишланади.*

*Маҳмуджон ПАРПИЕВ.*

## ЎЗИГА ХОС БАЙРАМ БЎЛАДИ

ГУЛИСТОН. Бу ерда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, мамлакат мустақиллигининг 5 йиллигига бағишланган қишлоқ меҳнаткашлари республика спартакиадаси ўтказилади. Бу ҳақда спартакиада ташкилий қўмитаси раиси Т. Собитов ахборот берди. Мақсад — қишлоқ жойларда соғлом турмуш тарзини тарқиб топтириш, спорт иншоотларини таъмирлаш, ўйингоҳ ва тенис майдончаларини барпо этиш. Муҳими, қишлоқ ёшлари ўртасида спортнинг миллий турларини оммавийлаштиришга эътибор берилади.

*Нигора АЗИМОВА.*

*Ватанни севмак иймондандур!*


# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси | 1996 йил 27 июль, шанба № 95-96 (22.017). | Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган


# ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ

**25 ИЮЛЬ КУНИ ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ РАИСЛИГИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ БЎЛДИ. УНДА 1996 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОРИШИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.**

Мажлисда вазирликлар, давлат қўмиталари, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бирлашмалар, уюшма ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари иштирок этди.

Бугунги мажлис кун тартибига қўйилган масала вилоятларда, вазирликлар, қўмиталар, уюшма, компания, концерн ва идоралар йиғилишларида кўриб чиқилган, деди Ислом Каримов мажлисни очар экан. Биз ана шу масалага якун ясашимиз, олдимизда турган вазифаларнинг қайси жиҳатларига жиддий эътибор бериш зарурлигини белгилаб олишимиз керак. Бунда ресурсларимиз, фойдаланилмаётган имкониятларимизни аниқлаб, уларни ишга солиш йўлларини излашимиз даркор.

Республика Бош вазирининг ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси раиси Ў.Исмоилов, молия вазири Б. Ҳамидов, Р. Гиниятуллин, шунингдек, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг раиси Р. Саримсоқов, Ўзбекистон металлургия заводи бош директори А. Фармонов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Сигедин муҳокама этилган масала юзасидан сўзга чиқдилар.

Мажлисда таъкидланишича, иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришларнинг натижаси ўлароқ, мамлакатда жорий йилнинг биринчи ярмида ички ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 101,4 фоизни ташкил этди. Инфляция даражаси ўтган йилдагига нисбатан икки баравар пасайди. Аҳолининг реал даромадлари 16 фоиз ўсди. Иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш яхши самара бермоқда. Республикада 2500 га яқин қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Асакадаги «ЎзДЭУавто» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасининг ишга туширилиши мамлакат ҳаётида жуда катта воқеа бўлди.

Айни вақтда қишлоқда иқтисодий ислоҳотларнинг самарадорлиги ҳамон пастлигича қолмоқда, мулкнинг ўз эгасини топиши қийин кечмоқда. Корхоналар ўртасидаги ўзаро қарзлар ҳануз камайгани йўқ. Нақд пул эмиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларида юқорилигича қолмоқда.

Мамлакатдаги иқтисодий вазиятни таҳлил этганда маълумотларнинг аниқ ва пухта бўлишига аҳамият бермоқ лозим, дея таъкидлади Президент. Масалан, мамлакатда етиштирилаётган гўшт ва сут маҳсулотларининг 80 фоиздан кўпроғи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келади. Бу секторда чорва моллари сони ҳам мутасил ортиб бораётир. Ҳисобот тузганда ана шу жиҳатларни — халқ хўжалигининг ҳозирги шароитда кўп укладли эканини назарда тутмоқ шарт.

Корхоналар ўртасидаги дебиторлик ва кредиторлик қарзлари муаммосини олайлик. Нега бу масала ҳамон ҳал бўлмаяпти? Қарздор корхоналарнинг раҳбарлари нима ҳисобидан маош оляпти? Жамоасини нима ҳисобидан пул билан таъминлаяпти? Узингиз ўйлаб кўринг: бу бозор иқтисодиёти талабларига тўғри келадими, ахир? Зудлик билан бу саволларнинг ечимини топиб, муаммони ҳал этиш керак.

Бунинг учун одамларга маош, пенсия тариқасида берилган пуллар банкка қайтиб тушишига эришиш зарур. Акс ҳолда иш ҳақини вақтида бериш учун қўшимча пул чиқаришга тўғри келади. Натижада маҳсулот билан пул ўртасидаги мутаносиблик бузилиб, иқтисодиёт издан чиқиши мумкин. Тўғри, бу қийин масала. Лекин уни ҳал этмаслик мумкин эмас. Бунга барча тоифадаги мутасаддилар —ҳокимлар, вазирлик, қўмита, концерн, уюшма, банк, корхона ва хўжалик раҳбарлари шахсан жавобгардирлар. Чунки пул муаммосини ҳал этиш давлат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга.

Амир Темур бобомиз мингта қуруқдан — қуруқ югурадиган одамдан кўра ишнинг кўзини биладиган, фидойи битта инсон минг бора афзал, деган эканлар. Бизга ҳам ана шундай қобилиятли, ишбилармон раҳбарлар зарур, дея таъкидлади Ислом Каримов.

Макроиқтисодиёт — йирик индустрия корхоналарининг барқарор ишлаши мамлакат иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Уларга, умуман, ишлаб чиқарувчиларга бошқа муассасалар, хусусан, банклар яқиндан ёрдам бериши керак. Банк мижозларга хизмат қилиши лозим.

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашиб борар экан, хусусийлаштиришга янада жиддий эътибор бериш тақозо этилади. Бунда, айниқса, янги иш бошлаган хусусий мулк эгаларига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг оёққа туриб олишига кўмаклашиш даркор. Бу эса бозорларимизни узимизда ишлаб чиқарилган маҳсулот билан тўлдириш имконини беради. Четдан мол олиб келишга ружу қўймаслик лозим. Бу ўша мамлакатларда кимларнидир иш билан таъминлашдир. Шу маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳам ақлан, ҳам маънан ҳеч кимдан қолишмайдиган халқимизнинг, хусусан, ёшларимизнинг қўлидан келадику! — деди Президент.

Мажлисда мамлакатимизда пахта ва ғалла етиштиришни кўпайтириш, ғалла ўрим-йиғимини якунлаш, бу йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш борасидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди. Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё вилоятларида ғалла етиштиришни кўпайтиришга етарли аҳамият берилмагани танқид қилинди.

Август ҳосил тўпланда, кўсаклар сонини оширишда муҳим палла. Халқда асл деҳқон бу ой давомида техникасини даладан олиб чиқмайди, деган гап бор. Бугунги кунда тегишли вазирлик ва уюшма раҳбарлари ҳамда мутахассисларнинг ўрни далада булиши, барча пахтакорларга ёрдам бериши зарур.

Биз мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда тотувлик ва осойишталикка эришишни ўз олдимизга энг олий мақсад қилиб қўйган эдик, деди Ислом Каримов пировардида. Чунки, халқ билан тил топмасдан бу кунларга етишиш қийин буларди. Бизнинг ютуғимиз шундаки, қийинчиликлар вақтинча эканини тушунадиган, чидамли, ақлли, катта-катта ишларга қурби етадиган халқимиз бор. Бундай халқ билан ҳамма эзгу мақсадларга эришмоқ мумкин.

Президент Ислом Каримов мажлисда катта нутқ сўзлади.

Мажлисда республика Олий Мажлиси Раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

**СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти. А. ТЎРАЕВ олган суратлар. (ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг қарори*

## БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши **қарор қилади:**

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 1996 йил 29 август куни Тошкент шаҳрида чақирилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.**

Тошкент шаҳри,
1996 йил 26 июль.

***

Олий Мажлис олтинчи сессияси муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилиши назарда тутилмоқда:

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик кодекси иккинчи қисмининг лойиҳаси (иккинчи ўқишда).
2. Нотариал тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
3. Адвокатура тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
4. Сиёсий партиялар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда).
5. Ўзбекистон Республикасининг консуллик Устави лойиҳаси.
6. Хориждан маблағларни жалб қилиш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
7. Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
8. Уруғчилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси.
9. «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси.
10. «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси.

Ушбу масалалар билан бир қаторда Олий Мажлиснинг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалалар ҳам депутатлар муҳокамасига киритилиши мўлжалланмоқда.

## ҚУТЛУҒ БАЙРАМГА ПУХТА ҲОЗИРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Вазирлар Маҳкамасида 26 июль куни Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, мазкур қўмита раиси И. Жўрабеков бошқарди.

Мажлисда мамлакатимиз пойтахти ҳамда жойларда истиқлол байрамига тайёргарликнинг бориши, қутлуғ сана муносабати билан фойдаланишга топшириш мўлжалланган иншоотларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Бу ҳақда Тошкент шаҳар ҳокими К. Тўлаганов, «Тошкентуйжойинвестқурилиш» корпорацияси раиси Т. Зокиров, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Ш. Жалилов, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Темиров ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон мустақиллигининг аҳамиятини вақт ўтган сайин ҳар бир юртдошимиз тобора теран ҳис этмоқда. Айниқса, истиқлолнинг беш йиллиги нишонланаётган йилда унинг самаралари кўзга янада яққолроқ ташланаётир. Шу боис, бутун республикамизда бу йил миллий байрамимизни муносиб кутиб олишга алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллиги асосий тантаналари, анъанага кўра, пойтахтимиз бош майдонида ўтказилади. Бугунги кунда Мустақиллик майдонида асосий саҳна қурилиши қизғин давом этмоқда. Майдонни безаш, байрамнинг бадиий қисмини тайёрлаш борасида ҳам талай тадбирлар амалга оширилди.

Мамлакатимизда тўйга тўёна тарзида 1 сентябрь арафасида янгидан-янги байрам иншоотларини ишга тушириш яхши анъанага айланиб қолди. Хусусан, Тошкент шаҳрининг ўзида ўттиздан зиёд йирик объект қурилиши якунланади. Бир неча бозорлар, маданий-маиший иншоотлар, гузар ва мактаблар шу куни тантанали равишда очилади. Кўчалар, хиёбон ва боғлар ободонлаштирилиб, пойтахтимизга янада чирой бахш этади.

Йиғилишда Тошкент шаҳрида, Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларида республика мустақиллигининг беш йиллигига тайёргарлик ишларининг бориши ҳақида ўша вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг ахборотлари тингланди.

Мажлисда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Д. Ғуломова, К. Раҳимов, С. Саидқосимов, Р. Юнусов, Б. Ҳамидов иштирок этди.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Ҳар чорак охирида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга якун ясаш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада юз бераётган ўзгаришларни мунтазам таҳлил этиш, олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар қай даражада бажарилаётганини баҳолаб бориш изчил анъанага айланиб қолди.

Бу ҳол бизга ислоҳотлар йўлида нима ишлар қилганимиз, қандай ижобий силжишларга эришганимиз ва қанчалик олға кетганимизни рўй-рост аниқлаб олиш имконини беради. Шу билан биргаликда, бу жадал олдинга юришимизга нималар халал бераётгани ва тўсқинлик қилаётгани, заиф томонларимиз, оқсоқ жойларимиз, ҳали ишга солинмаган имкониятларимиз тўғрисида очиқ-ойдин гаплашиб олишимиз имконини беради. Хуллас, ишларимизнинг аҳволи тўғрисида тўла ва ҳаққоний тасаввурга эга бўлмоғимиз лозим.

Биринчи ярим йиллик натижаларини кўриб чиқаётганда, айнан белгилаб олинган вазифа ва ислоҳотлар йўлидан оғишмай, собитқадамлик билан бориш —муттасил ривожланиш ва олға силжишимизнинг асосий кафолати эканини назарда тутган ҳолда, аввало, республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг муҳим принциплари ва устувор йўналишлар қандай бажарилаётганини ажратиб олишимиз ва баҳо беришимиз керак бўлади.

Худди шу мақсадлардан келиб чиққан ҳолда, биз ўтган даврда қилинган ишларга якун ясашимиз зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Мен, Ўзбекистон мустақиллигининг 4 йиллигига бағишланган тантаналарда (1995 йилнинг 1 сентябри) имкониятларимиз ва истиқболимизга холисона баҳо бериб, 1996 йил, иншооллоҳ, Ўзбекистон учун туб бурилиш ва юксалиш йили бўлади, деб айтган эдим.

1996 йилнинг дастлабки ярим йили якунлари том маънода ҳаётимизда туб бурилиш юз бергани ва иқтисодиётимизнинг жадал ўсиш даври бошланганини кўрсатмоқда.

Ярим йиллик якунларини таҳлил этар эканмиз, Ўзбекистон ислоҳотларнинг, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг дастлабки энг машаққатли ва оғир босқичини босиб ўтди, дейишга барча асосларимиз борлигини яққол кўришимиз мумкин. Ҳуқуқий ва ташкилий-институционал ўзгаришларнинг, жамиятимизда тарқиб топган янгича муносабатларнинг мустаҳкам пойдеворига таянган ҳолда иқтисодиётимиз бозор муносабатларига босқичма-босқич, пешма-пеш кириб келмоқда, тобора барқарорлашмоқда ва мустаҳкамланмоқда.

Умумиқтисодий кўрсаткичлар билан биргаликда тармоқлар, аввало, асосий ҳал қилувчи тармоқлар, республика ҳудудлари, иқтисодиётнинг айрим секторлари кўрсаткичлари, молия ва банк соҳасида амалга оширилаётган ишлар кўлами шундан дарак бериб турибди.

Дастлабки ярим йиллик натижаларини рўй-рост ва танқидий кўз билан баҳолаганда, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

**Биринчи хулоса.** Бутун иқтисодиётимизни муваффақиятли ислоҳ этишнинг энг муҳим натижаси бўлмиш мустаҳкам макроиқтисодий барқарорликка эришилди. Бу нималарда кўринади? Аввало, пулнинг қадрсизланиш суръатлари кескин пасайди. Инфляцияни жиловладик, унга қарши кураш механизмини топдик ва унинг устидан тўла назорат ўрнатдик, деб бемалол айтишимиз мумкин.

Биз жорий йилда энергия манбалари, транспорт ва коммунал хизмат нархларини эркин қўйиб юбориш бўйича қўлланган чоратадбирлар ва мавсумий ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда, инфляциянинг ўртача ойлик даражаси, умуман, ярим йиллик бўйича 4 фоиз атрофида бўлгани ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан икки баробар кам экани бунинг ёрқин далилидир.

Пул муомаласи мустаҳкамланди. Нақд пул ҳажмининг ўртача ўсиш суръатлари 1995 йил даражасига нисбатан 1,3 фоиз камайди. Муомалага чиқарилаётган нақд пул миқдори —эмиссия ярим йилликда 15,8 фоизни ташкил этди. Ваҳоланки, бу кўрсаткич 1995 йилнинг шу даврида 20,7 фоизга тенг бўлган эди.

Умуман олганда, корхоналар ва давлатнинг молиявий аҳволи мустаҳкамланди. Агар 1995 йили зарар кўриб ишлаган корхоналар сони 630 тани ташкил этган ва биз уларга нисбатан махсус чоралар қўллашга мажбур бўлган бўлсак, бугунги кунда ярим йилликни бор-йўғи 58 та корхона зарар кўриб якунлади. Бюджетнинг даромад ва харажат қисмларини шакллантириш бўйича қўйилган вазифалар ба-

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА

**(Давоми. Боши 1-бетда).**
жарилди. Бугунги кунда бюджет камомади ялпи ички маҳсулотнинг 2,1 фоизидан ошмайди, 1995 йил натижаларига кўра эса бу кўрсаткич 3,5 фоиз бўлган эди. Республикада бюджет маблағлари ёрдамида ўта муҳим объектлар қурилиши жадал амалга оширилаётганини ҳисобга олсак, бу нечоғлик аҳамиятли эканини кўрсатади.

**Иккинчи хулоса.** Миллий валютамиз-сўмимиз мустаҳкамланди. Кейинги тўққиз ой давомида сўмнинг АҚШ долларига амалдаги нисбати барқарор бўлиб турибди. Агар 1995 йилнинг ноябрида бир АҚШ доллари 35,3 сўмга тенг бўлган бўлса, шу йилнинг июнь ойида эса 37,6 сўмга тенг бўлди.

Бугунги кунда жамланган олтин-валюта резервларимиз етти ойлик импортни таъминлаши мумкин. Бу Республика валюта биржасида доимий равишда савдо ўтказиш имконини бермоқда. Ярим йилнинг ўзида биржада сотилган валюта миқдори 1,5 млрд. АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу бутун 1995 йил давомида алмаштирилган эркин муомаладаги валюта миқдоридан ҳам кўп демакдир. Биз бугунги кунда жорий операциялар бўйича миллий валютамизнинг тўлиқ конвертация-сига кафолат беришимиз мумкин.

**Учинчи хулоса.** Хусусийлаштириш жараёни чуқурлашди ва кенгайди. У сифат жиҳатидан янгича аҳамият касб этганини ҳам қайд этиш лозим. Агар дастлабки йилларда асосий эътибор масаланинг миқдор кўрсаткичларига, яъни қанча корхона мулк шаклини ўзгартирганига қаратилган бўлса, бугунги кунда хусусийлаштиришнинг сифат кўрсаткичлари асосий талаб мезони бўлиб қолди.

Биз учун бугунги кунда хусусийлаштирилган корхоналар қандай тусга-шаклга кираётгани, улар нечоғли самара бериб ишлаётгани, иқтисодиётга қанчалик наф келтираётгани муҳимроқдир. Агар 1994 йилда ҳиссадорлик корхоналари сони 2900 тани ташкил этган ва асосан ёпиқ турда бўлган бўлса, ҳозир 4,5 минг очиқ турдаги ҳиссадорлик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Расман қайд этилган деҳқон (фермер) хўжаликлари сони 7,5 мингтадан 19300 тага кўпайди. Жорий йилнинг ўзида кичик ва хусусий корхоналар сони 19100 тага кўпайди ва шу йилнинг 1 июлига келиб 83,5 мингтага етди.

Агар олдинги йиллар ҳунарманчилик катта бўлмаган ва ўрта корхоналар хусусийлаштирилган бўлса, бугунги кунга келиб, йирик корхоналар ҳам мулкчилик шаклини ўзгартирмоқда. Биринчи ярим йилликда акциялар сотувидан 1,7 млрд. сўм маблағ тушди ва бу 1995 йил кўрсаткичларидан 15,6 марта кўпдир. Умуман олганда, хусусийлаштиришдан тушган даромад, тахминан, 3 млрд. сўмни ташкил этди.

Бугунги кунда аксарият корхоналар хусусийлаштирилди. Агар 1993 йили жами корхоналарнинг 39,4 фоизи давлатга тегишли бўлмаган корхона бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 57,7 фоизга, бугунги кунга келиб эса 82,7 фоизга етди.

1993 йили халқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг 48 фоизи нодавлат секторида ишлаган бўлса, айни пайтда уларнинг 70 фоизи мазкур секторда фаолият кўрсатмоқда.

Ҳозирги кунда саноат маҳсулоти ҳажмининг ярмидан кўпроғи, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 95 фоизи, чакана товар оборотининг 94 фоизи, пудрат ишларининг 61 фоизи нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади.

**Тўртинчи.** Мўлжалланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида иқтисодиётда сезиларли таркибий ўзгаришлар юз берди.

Кўпгина ҳом ашё ресурсларининг саноат қайта ишлови ошгани ижобий силжиш экани шубҳасиздир. Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улуши кўпайди, уларнинг кўпчилиги рақобатга бардошли бўлиб қолди. Агар 1993 йили тайёр маҳсулот, саноат ишлаб чиқариши умумий ҳажмининг қарийб 45 фоизини ташкил этган бўлса, жорий йилда у 65,6 фоизга етди.

Иқтисодиётимиз киёфасини ўзгартираётган соҳаларгина эмас, унинг ташқи омиллардан дахлсизлигини, қолаверса, ялпи миллий маҳсулот ўсишини таъминлаётган соҳалар ҳам жадал ривожлана бошлади. Биринчи ярим йилликда автомобиль саноати тез суръатлар билан тараққий этди, унинг ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил даражасига нисбатан 6 баробар, трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги - 34,4 фоиз, асбобсозлик - 24,2 фоиз, кимё ва нефть кимёси - 15,3 фоиз, станоксозлик ва асбоблар ишлаб чиқариш саноати - 13,3 фоиз, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза- қоғоз саноати - 18,8 фоиз ўсди.

Жорий йилда республиканинг энергетика мустақиллигини мустаҳкамлаш сиёсати давом эттирилди. Нефть ва газ саноати барқарор ривожланмоқда. Нефть ва газ конденсати ишлаб чиқаришнинг ўтган йилги даражаси юқори бўлганига қарамай, бу йил уларни ишлаб чиқариш ҳажми 230 минг тонна, табиий газ - 130 млн. куб метр, кўмир - 44 минг тоннага ошди.

Тўқимачилик саноати, қора ва рангли металлургия, қурилиш материаллари саноати, пудратли қурилиш фаолияти, пуллик хизмат кўрсатиш соҳаси каби меҳнатталаб соҳалар жадал суръатлар билан ривожланди. Бу юртимизнинг иш кучини тўлароқ банд қилишга имкон яратди.

Жорий йилда халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш кўпайганини ҳам жиддий силжиш, туб бурилиш палласи деб баҳолаш мумкин. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йил даражасига нисбатан 6,3 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари - 3,6 фоиз, ноозиқ-овқат товарлари - 5,8 фоиз ўсди. Энг муҳими, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмигина эмас, балки уларнинг аҳоли жон бошига тўғри келадиган улуши ҳам 4,3 фоиз кўпайди. Бугунги кунда 1450 та ёки барча корхоналарнинг 70 фоиздан ортиқроғи истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Кейинги йилларда ишлаб чиқариш таркибини сифат жиҳатидан ўзгартириш, четдан келтириладиган маҳсулотлар (импорт) ўрнини босадиган товарлар ҳамда янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш жараёни кечмоқда. 1995 йилнинг ўзидаёқ саноатнинг барча соҳаларида 400 дан ошиқ янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, биринчи ярим йилликда эса уларнинг яна 120 тури ўзлаштирилди.

Тузилма ўзгаришлари ва устувор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш тўғрисида гап кетганда, республикамиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган бир воқеани алоҳида таъкидлашни истардим. Мен Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан биргаликда Асака шаҳридаги қурилган ва ишга туширилган автомобиль заводини назарда тутяпман. Марказий Осиёдаги биринчи автомобиль заводи бунёд этилиши ва бу улкан корхона бир йилда 200 минг енгил автомобиль ишлаб чиқариш қувватига эга эканининг ўзи тарихий воқеадир.

Автомобиль заводининг бунёд этилиши, саноатнинг янги соҳаларини вужудга келтириб ва замонавий технологиялар соҳасида тубдан янги поғонага кўтариб қолмасдан, яқин истиқболда саноат соҳасидаги сиёсатимизда кескин бурилиш ҳам ясайди.

Автомобиль заводи қурилиши бугуннинг ўзидаёқ рақобатга бардошли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, дунё бозорларига чиқиш ва у ерларда муносиб жой эгаллаш имконини беради.

Бу завод қурилиши бутун бошли индустрияни, ишлаб чиқаришнинг замонавий соҳалари мажмуини вужудга келтиради. Улар келгусида ўша завод учун ишлайди, унга бутловчи ашёлар, хом ашё ва материаллар етказиб беради. Ҳозирнинг ўзидаёқ автомобиль ойналари, ўриндиқлари, дисклари, электр ускуналари ишлаб чиқарадиган боғловчи мосламалар ва агрегатлар, кимёвий ва полимер материаллар ҳамда автомобиллар учун зарур бошқа буюмлар ишлаб чиқарадиган бутун бошли заводлар ва цехлар бўлади. Бу ўзимизнинг конструкторлик базамиз ривожланишини англатади. Бу ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктурасини яратиш ҳамда қайта ихтисослаш, бутунлай янгича хизмат кўрсатадиган банк ва суғурта тизимини, замонавий сервис хизматларини шакллантириш демакдир.

Бу миллий кадрларнинг профессионал даражасини ўзгартириш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг замонавий тизимларини жорий этиш демакдир. Ниҳоят, бу янги иш жойлари яратиш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш демакдир.

Қишлоқ хўжалик машиналари паркини «Кейс» русумидаги ғалла ўриш комбайнлари билан тўлдириш ҳам чуқур таркибий ўзгаришларга олиб келиши лозим. Бугунги кунда биз бундай комбайнлардан 340 тасини сотиб олдик ва улар далаларимизда синовдан ўтяпти. Уларнинг меҳнат самарадорлиги, нобудгарчиликни кескин камайтириши, иш шароитлари жиҳатидан устунлиги ҳозирнинг ўзидаёқ кўриниб қолди. Қишлоқ хўжалигида бу машиналардан фойдаланишнинг ўзиёқ унинг ишлаб чиқаришида таркибий ўзгаришлар юз берганини кўрсатади, яъни ғалла экиладиган майдонлар кенгайди. Пахта билан биргаликда бошоқли дон экинлари етиштириш мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг яна бир ихтисослашган соҳасига айланмоқда. Бу қишлоқ хўжалик машинасозлигини ҳам, қишлоқ хўжалик хом ашёсини саноат қайта ишлови билан боғлиқ соҳаларни ҳам, тегишли кадрларни тайёрлашни ҳам таркибий жиҳатдан кескин ўзгартиришни тақозо этади.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришлар янги қурилишлар ҳисобигагина эмас, асосан, мавжуд ишлаб чиқаришни янгилаш ҳисобига амалга оширилади. Бу - аён ҳақиқат. Бугунги кунда технологияларни янгиламай туриб, техник жиҳатдан қайта қуроллланмай туриб, кўзлаган мақсадга эришиб бўлмайди.

Шуни ҳам айтиш керакки, олдинги йиллардагидан фарқли ўлароқ, айни замонда капитал маблағлар янги ва улкан иншоотлар, бинолар қурилишига, яъни асосий фондларнинг пассив қисмига эмас, балки технологияларни янгилашга сарфланмоқда. Бу қурилиш муддатларини қисқартиради, сарфланган маблағларнинг ўз-ўзини қоплашини тезлаштиради. Бундай мисоллар оз эмас. Қиймати 230 миллион АҚШ долларига тенг ва мисли кўрилмаган қисқа муддат — 18 ойда барпо этилган «Зарафшон-Ньюмонт» қўшма корхонаси худди шу каби лойиҳаларнинг мақсадга мувофиқ эканига далилдир.

**Бешинчи хулоса.** Республикада бозор инфраструктурасини яратиш ва ривожлантиришда сезиларли силжиш рўй берди.

Қисқа вақт ичида бозор инфраструктурасига асос солинди. Банк ва молия тизими ислоҳ этилди. Суғурта ва аудиторлик тармоғи яратилди. Замонавий компьютер ва телекоммуникация тизими билан жиҳозланган ва Марказий Осиёда энг йирик Биржа маркази ишга тушди.

Кўчмас мулкни сотиш бўйича 190 та, лицензия сотиш бўйича 132 брокерлик идораси, Республика фонд биржасининг 13 филиали ва бўлими, Миллий депозитарийнинг 10 филиали, 62 фонд магазини ва 38 бизнес марказлари ва бозор инфраструктурасининг бошқа қатор таркибий қисмлари фаолият кўрсатмоқда.

**Олтинчи хулоса.** Кўзда тутилган дастурни муваффақиятли амалга оширишнинг натижаси ўлароқ, асосий иқтисодий кўрсаткичларнинг ўсишига эришдик.

Шу маънода 1996 йил биз учун кескин бурилиш йили бўлди. Биринчи бор ички ялпи маҳсулотнинг пасайишига барҳам берилибгина қолмасдан, балки унинг 101,4 фоиз ўсиши таъминланди. Саноат маҳсулоти ҳажми 105 фоизга ошди. Хусусан, мамлакатимизнинг барча вилоятларида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши таъмин этилди. Жорий йилда, айниқса, Тошкент шаҳрида, Тошкент вилоятида, Сирдарё, Андижон, Самарқанд ва Бухоро вилоятларида саноат тез суръатлар билан ривожланди.

Шу борада қишлоқ хўжалик соҳасида, ғалла етиштиришимизда эришилган натижаларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳозирги кунда республика бўйича 1 млн. 820 минг тонна ғалла, жумладан 1 млн. 700 минг тонна буғдой тайёрланди. Шуни айтиш керакки, ўтган йилнинг шу муддатига нисбатан бу йил ғалла 100 минг тонна, буғдой эса 200,0 минг тонна кўп тайёрланди.

1995 йилда ўртача ҳосилдорлик гектарига 21 центнер бўлган бўлса, бу йил бу рақам 22 центнерни ташкил этди. Агар бу йил об-ҳаво лалмикор майдонларда ғалла етиштиришга салбий таъсир кўрсатганини инобатга олсак, бу натижалар ниҳоятда салмоқли эканлиги аён бўлади.

Бу йил ғалла етиштириш ва тайёрлашда Андижон, Бухоро, Сурхондарё, Фарғона вилоятлари алоҳида фаоллик кўрсатишди. Яқин кунларда улар қаторига Тошкент ва Наманган вилоятлари ҳам қўшилади.

Ғалла тайёрлашда энг яхши натижаларга эришган Шаҳрихон, Бешариқ, Юқори Чирчиқ, Денов, Учқўрғон, Шофиркон ва бошқа туманларни алоҳида тилга олиб, уларнинг меҳнат аҳлига ташаккур айтмоқчиман.

Республикамизда капитал маблағларнинг ҳажми 4,4 фоизга кўпайди, уларнинг 60 фоиздан зиёди ишлаб чиқариш соҳасига йўналтирилди. Буларнинг барчаси республикада иқтисодиётнинг келгуси юксалиши учун мустаҳкам моддий, молиявий ва институционал база-асос яратилганидан, инвестициялаш жараёни фаоллашганидан далолатдир.

**Навбатдаги муҳим хулоса** шундан иборатки, ижтимоий соҳада ҳам, аҳолининг турмуш шароити ва даражасида ҳам ўзгариш юз берди.

1996 йил, бу — кенг қамровли ижтимоий дастурни амалга оширишнинг, уй-жой, қишлоқ мактаблари ва тиббиёт пунктлари, маиший объектлар, телефонлаштириш ва телекоммуникациялар қуришни ўз ичига қамраб олган кенг ижтимоий дастурни амалга оширишда биринчи йил бўлди.

Бугун биз халқимизнинг чекига тушган ва ўтиш даври учун муқаррар бўлган энг оғир синовлар ортда қолди, деб бемалол айта оламиз.

Бугун аҳолининг фаровон яшашига салбий таъсир этувчи омиллар йўқ, аксинча, аҳоли турмуш даражасини ўстириш учун тегишли шароит ва ишончли кафолатлар яратувчи барқарорлик омиллари кучга кирмоқда.

Аҳолини аниқ ва адресли ижтимоий ҳимоя қилиш учун жорий этилган тизим ўзини тўлиқ оқлади. Шунинг натижаси ўлароқ, ўтган йилга нисбатан аҳолининг реал даромадлари 16 фоизга ошди ва шу йилнинг охиригача янада ошиши муқаррар.

Аҳолининг 1991 йилдан кейин қадрини йўқотган омонатларини индексация қилиш ғоят муҳим аҳамиятга молик бир тадбир. Ўзбекистонда ўтказилаётган ислоҳотларнинг адолатли ва ҳаётий эканини тасдиқловчи бир воқеа бўлди, десак ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Ижтимоий адолат тикланди — 3 миллиондан ортиқ омонат эгаларига уларнинг 1992 йилнинг 1 январига қадар қўйган ва умумий миқдори 35 миллиард сўмга тенг бўлган омонатлари индексация қилинди. Шу йилнинг 24 июлига қадар махсус «Индексация» деб аталувчи ҳисоблардан аҳолига 1 миллиард сўм тўланди ва 20 миллион сўм бошқа омонат шаклларига қайтадан расмийлаштирилди.

Ҳурматли дўстлар!

Мен республикамизнинг жорий йилнинг ўтган ярмидаги иқтисодий ва ижтимоий ривожи натижаларига тегишли айрим муҳим омилларни тилга олдим, холос.

Улар ўзларининг миқёси ва қамрови билан, Ўзбекистоннинг ислоҳотлар ва янгиланиш йўлидаги изчил тараққиётига хос барқарор ва мустаҳкам ижобий тенденциялардан-оқимлардан далолат беради. Энг муҳими эса, улар ўтказилаётган ислоҳотлар иқтисоднинг бутқул тарзига ва бизнинг ҳаётимизга кўрсатаётган ва бугун барчамиз яққол сезиб турган таъсири ва натижалари, деб айтсак хато бўлмайди.

Албатта, биз биламизки, булар барчаси - дастлабки ниҳоллар, дастлабки ютуқлардир. Худди шу сабабли этмоқдамиз. Бу ҳолат, бир тарафдан, чекланган ресурслардан, уларни ҳуда-беҳуда исроф этмасдан, самарали ва оқилона фойдаланиш имконини беради. Иккинчи тарафдан эса, ўз фаолиятимизнинг, ўз меҳнатимизнинг натижаларини яққол сезиш, ўз қудратимиз ва салоҳиятимизга янада кўпроқ ишониш имконини беради.

Албатта, бизнинг моделимизда кучли ижтимоий сиёсат, унинг аҳамияти ҳақида гапирмасак бўлмайди.

Кучли ижтимоий сиёсатнинг муҳим роли шундаки, у халқимизга ислоҳот шунчаки ислоҳот учун эмас, балки аввалambor халқ манфаатлари учун ўтказилмоқда, деган ишонч бахш этади.

Биз осон йўлни қидирмадик. Шу ўринда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг кўпчилик мамлакатлари энг осон йўлдан кетганларини эслатиб ўтиш жоиздир.

Маҳсулот экспортидан тушган барча ресурслар ва хориждан олинган кредитлар, энг аввало, турли импорт молларига, улар билан ички бозорни тўлдиришга сарф этилди ва шу тариқа, ўзлари билган ва билмаган ҳолда, мамлакатнинг ўзида товар ишлаб чиқарувчиларни бозордан четга чиқариб қўйдилар. Пировард оқибат шу бўлдики, улар саноат ва қишлоқ хўжалиги, туб маънода эса, бутқул миллий иқтисодиёт заифлашган, аксар ҳолларда бутунлай таназзулга, парокандаликка учраган ҳолда, жуда катта валюта маблағларини бирпасда еб қўйдилар.

Биз эса, энг оғир йўлни танладик. Ўз маблағларимиз ва бошқалардан олган қарз маблағларининг асосий қисми инвестициялаш учун, ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ўстириш учун ажратилди. Яъни, истеъмол қилишни эмас, балки инвестицияларни, ўзбекчасига айтадиган бўлсак, сармоя ётқизишни кўпайтирдик. Бугун ўша сармоялар ўз меваларини бермоқда.

Асака шаҳрида қурилган автомобиль заводи ҳам худди шундай мевадир. Бухорода қурилаётган улкан нефтни қайта ишлаш заводи ҳам шу сирага киради.

Кўкдумалоқ нефть конини изга солиш, Қувасой шаҳрида янги турли ойна шишаси тайёрловчи завод, Андижон, Қўқон ва Янгийўлдаги спирт заводлари, Хоразм вилоятида қурилаётган шакар заводи, Қорақалпоғистондаги сода заводи, Чирчиқдаги ҳароратга чидамли металлар заводини, Олмалиқ кон-металлургия заводини реконструкция қилиш, Навоий кон-металлургия заводининг 2-гидрометаллургия заводини ишга тушириш, янги темир йўллар, автомобиль йўллари, ободончилик ишлари — буларнинг барчаси биз танлаган машаққатли йўлда қурилган ва насиб этса, эртанги кунда барча оғиримизни енгил қиладиган бунёдкорлик намуналаридир. Тўқимачилик саноатида, енгил саноатда янгидан қурилган ёки модернизация қилинган ва бугунги кунда маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни ҳар бир вилоятда, ҳар бир туманда, ҳар бир аҳоли яшайдиган жойда учратиш мумкин.

Биз ўз ислоҳотларимиз учун мустаҳкам қонунчилик базасини, хорижий сармоядорлар учун кучли кафолат ва имтиёзлар тизимини яратдик. Биз бевосита кредитларни давлат учун эмас, балки бугун муваффақиятли амалга оширилаётган аниқ ва жараёнида, демократик жамиятни шакллантириш жараёнида давлат, жамоат ва давлатга тобе бўлмаган ташкилотларнинг тўлақонли тизими яратилди, замонавий банк ва молия тизимлари барпо этилди, кенг тармоқли бозор инфраструктураси бунёд қилинди. Энг муҳими, бу тузилмалар амалда ишлай бошлади.

**Тўртинчидан,** одамларимиз янги шароитларда ишлаш тажрибасига эга бўла бошладилар. Кўпчилик раҳбарлар ва оддий ходимларнинг табиати, психологияси ўзгарди. Бугун дадил айтиш мумкинки, республика, вилоят ва ишлаб чиқариш даражасида ислоҳотчилар командаси, эътиқоди бир, маслакдош кишилар командаси шакллана бошлади. Бир йўналишда, ҳамжиҳат бўлиб, умумий мақсад дастурига амал қилган ҳолда ишлайдиган кишилар командаси пайдо бўлди. Бу инсонлар учун давлат манфаатлари, иш манфаатлари, халқ манфаатлари ҳамма нарсадан ҳам устунроқдир.

Мен бу юксак минбардан сизга, барча команда аъзоларига миннатдорчилик билдиришни истардим. Ишончим комилки, бу команда бошлаган ишларимизни охирига етказиши муқаррар.

Ҳурматли дўстлар!

Ватандошлар!

Якунлар ҳақида, эришилган ютуқлар ҳақида гапирар эканмиз, биз ҳаммамиз яхши биламизки, энди бу марралар — ўзимизники, уларни биздан ҳеч ким тортиб ололмайди.

Аммо, бу якунларни муҳокама этар эканмиз, оқсоқликларга, ўз ечимини кутаётган муаммоларга алоҳида эътиборни қаратиш, айниқса муҳимдир. Биз учун бошқаришнинг барча бўғинлари, шу жумладан, қонун чиқарувчиларимиз ва ижроия тузилмаларининг диққат марказида туриши лозим бўлган биринчи даражали вазифаларни белгилаб олиш фавқулодда аҳамият касб этади.

Албатта, камчилик ва нуқсонлар хусусида, муаммо ва жиддий тўсиқлар хусусида кўп гапириш мумкин. Лекин ислоҳотларнинг бугунги босқичида олға силжишимизнинг асосий гарови бўлмиш вазифаларга диққатни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

**Олға силжишимизнинг бош шарти, бу — хусусийлаштиришни кенгайтириш, мулк шаклларини тубдан ўзгартириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш билан боғлиқ ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдир.** Хусусийлаштириш масаласида расмиятчиликдан, юзаки ёндашувлардан, тўрачиликдан воз кечиш ва уларга бутунлай барҳам беришдир.

Таъбир жоиз бўлса, хусусийлаштириш шунчаки номига эмас, балки мулк ўзининг асл соҳибини, хўжайинини топиши учун амалга оширилиши керак. Мулк ишга билими ва қурби етадиган, ташкилотчилик ва бошқарувнинг замонавий талабларини яхши англайдиган, кишилар манфаати ва бутун жамиятимиз манфаатлари учун янги сармояларни жалб этишга ва ишлаб чиқаришни юксалтиришга, рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга қодир инсонлар кўлига тегиши зарур.

Шу маънода бугунги кунда мулк эгалари ва тадбиркорларни хусусийлаштиришдан кейинги даврда ҳам қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади.

Уларга нафақат имтиёзли кредитлар ажратиш, балки энг муҳими, уларнинг замонавий ускуналар ва технологияларни олиш ва ўрнатишига доир масалаларни ҳал этиш, уларга ҳом ашё ва материаллар олиш имконини таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларини сотишда амалий ёрдам кўрсатиш даркор.

Янги мулк эгалари, тадбиркорлар билан ишлаш, уларнинг савияси ва билимларини ошириш, улардан ҳақиқий бизнесменларни тарбиялаб етиштириш ғоят муҳимдир. Бу масалалар Ҳукуматимизнинг, Давлат мулк қўмитасининг, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг, маҳаллий ҳокимлар ва барча давлат идоралари ҳамда давлатга қарашли бўлмаган идораларнинг диққат марказида турмоғи лозим.

Бозор инфраструктураси ва таркибий-ташкилий ўзгаришлар хусусида сўз юритар эканмиз, уларнинг мазмуни, характери ва шакли бугунги кун талабларига мувофиқ эмаслигини қайд этиш керак. Бир қарашда барча тузилмалар яратилгандай туюлади, лекин афсуски, уларнинг иш услуби ва иш натижалари амалда ўзгаргани йўқ.

**Энг муҳими шуки,** бозор тузилмаларини шакллантириш биз учун шунчаки мақсад эмас. Улар шунчаки номига, рўй бераётган ўзгаришларни намойиш этиш, кўз-кўз қилиш учун тузилмайди, балки иқтисодиётга, хўжалик юритувчи субъектларга, ҳам ҳуқуқий ва ҳам жисмоний шахсларга хизмат қилиш учун тузилади.

Янги барпо этилган тузилмаларнинг туб мазмуни, уларнинг даромадлари ва келажаги хўжалик субъектлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлиши шарт.

Шуни яхшилаб англаб олиш зарур: бугунги кунда банкларга, молия тизимларига, турли суғурта ва аудиторлик хизматларига, Давлат мулк қўмитаси бўлинмаларига берилган қатор имтиёзлар — уларнинг оёққа туриш даврига мўлжалланган вақтинчалик чора-тадбирлар, холос.

Улар шу нарсани тушуниши, англаши ва бугуннинг ўзидаёқ тўлиқ ўз-ўзини қоплашга, ўзларини боқиш учун, мижозлар сонини кўпайтириш эвазига ва иш натижаларига кўра фойда олишни таъминлашга, хуллас, ўз нонларини ўзлари топиб ейишга тайёр бўлишлари зарур. Бошқача айтадиган бўлсак, оёққа туриш, тикланиш давридан фаол ва аниқ мақсадга қаратилган ишга ўтиш фурсати етди.

**Иккинчи жуда муҳим вазифа** — халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш. Халқ истеъмоли молларини, биринчи навбатда, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этишга, ишлаб турган корхоналарни қайта жиҳозлашга, халқимиз учун чиқарилаётган молларнинг сифатини оширишга нимаики хизмат қилса, ўшанга биз тўртки беришимиз, кўмак беришимиз зарур. Биз бу йўналишни, бу соҳани ҳуқуқий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам, моддий жиҳатдан ҳам рағбатлантиришимиз, қўллаб-қувватлашимиз лозим.

Бугун республикада ҳар бир жон бошига 2600 сўмлик истеъмол моллари ишлаб чиқарилмоқда. Бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан 4,3 фоиз кўпдир. Аммо, айрим вилоятларда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш даражаси анча паст. Масалан, жон бошига ишлаб чиқарилган мол қиймати Жиззах вилоятида 740 сўмни, Қашқадарё вилоятида 1082 сўмни, Сурхондарё вилоятида 1235 сўмни, Сирдарё вилоятида 1449 сўмни, Навоий вилоятида 1697 сўмни, Қорақалпоғистон Республикасида 1529 сўмни ташкил этади. Шунинг учун ҳам айнан мана шу вилоятларда пулнинг эмиссия даражаси ғоят юқори эканидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу ҳам камлик қилгандай, Қорақалпоғистон Республикасида, Навоий ва Сирдарё вилоятларида аҳоли жон бошига халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан пасайиб кетди.

Хорижий сармоялар иштирокида тузилган қўшма корхоналар халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга етарли ҳисса қўшмаяпти. Уларнинг умумий ҳажмдаги улуши атиги 2,4 фоизни ташкил этади. Хусусий тадбиркорларнинг ҳиссаси бундан ҳам камроқ — бор-йўғи 0,2 фоизни ташкил қилади.

Талабга жавоб берадиган ва харидори кўп бўлган кенг халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб кетганини оқлаб бўлмайди. Шундай мисоллардан айримларини айтиб ўтмоқчиман: илгари 32 хил макарон ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунда атиги 5-6 хили қолди. Илгари ишлаб чиқариладиган деярли барча крупа турларидан эса, фақат гуруч, буғдой ёрмаси ва манна талқони қолди. Қандолат маҳсулотлари, гўшт ва сут маҳсулотлари, пишлоқлар, консервалар ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ассортиментини ишлаб чиқаришда ҳам аҳвол худди шундай. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Хўш, айтинглар: бу ҳолни қандай баҳолаш мумкин?

Аҳвол шундай бўлатуриб, фақатгина 1996 йилнинг биринчи ярмида импорт бўйича ўтган йилдагидан 1,5 марта кўпроқ, яъни 600 миллион долларлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва 170 миллион долларлик ноозиқ-овқат маҳсулотлари ташқаридан олиб келтирилган. Шу жумладан, 9,4 миллион долларга макарон, 33,8 миллион долларга печенье ва бошқа турдаги қандолатчилик маҳсулотлари четдан келтирилган.

Шу билан бирга, импорт ўрнини босувчи молларни ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни тузишга, мавжуд қувватларни қайтадан мослаб жиҳозлашга, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга, шу ихтисос-йўналишдаги кичик, хусусий ва оилавий корхоналарни шакллантиришга етарли даражада аҳамият берилмаяпти.

Улар учун энг яхши имтиёзли шарт-шароит яратиб бериш ҳамда жойларда, ҳар бир аҳоли пунктида эҳтиёж ва талабга қараб, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш зарур.

Биз халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг аҳамиятини пухта билиб олишимиз керак.

Халқ истеъмоли моллари - энг аввало ички истеъмол бозорини тўлдириш демакдир.

Халқ истеъмоли моллари - пулнинг қадрсизланишини камайтириш, миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлаш демакдир.

Халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш - пировард натижада қўшимча иш жойлари демакдир. Бу ишга аёллар меҳнатини ҳам жалб этишни ҳисобга оладиган бўлсак, у алоҳида аҳамият касб этади.

Охир-оқибатда буларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини кўтариш демакдир. Буни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Бугунги кунда масала шундай турибди: биз республикага мол олиб келишимиз керак, бироқ ўзимизда ишлаб чиқариш мумкин бўлмаган ёки ишлаб чиқаришдан кўра олиб келиш иқтисодий жиҳатдан фойдалироқ бўлган молларни олиб келишимиз керак. Биз ўзимизда ишлаб чиқаришимиз мумкин бўлган маҳсулотларнинг республикадан ташқарида ишлаб чиқарилишини рағбатлантиришимиз керак эмас. Мен, албатта, бу ўринда ўзимизда сифатли маҳсулотларни ишлаб чиқаришни назарда тутяпман.

Истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш учун нима қилиш керак?

Биринчидан, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчилар учун амалдаги имтиёзлар тизимини қайта кўриб чиқиш ва бугунги кунда қандай турдаги рағбатлантириш фойда бериши мумкинлигини аниқлаш лозим. Қонунчилик соҳасидаги барча чеклашларни ҳам олиб ташлаш зарур. Керак бўлса, амалдаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартишларни тайёрлаш лозим. Бу масалага энг қобилиятли, энг истеъдодли кишиларни жалб этиш керак.

Иккинчидан, халқ учун зарур молларни ишлаб чиқаришни ташкил этишга хорижий сармоя, хорижий технологияларни фаол равишда жалб этиш лозим. Қўйган маблағи тезда ўзини оқлаб, фойда келтирадиган бўлса, хорижий сармоядорлар бу ишга жон-жон деб рози бўлади.

Навоий кон-металлургия комбинатининг тажрибаси эътиборга лойиқдир. Бу корхона хорижий шериклар билан ҳамкорликда Зарафшон шаҳрида аралаш иплардан устки трикотаж ишлаб чиқариш бўйича «Агама» қўшма корхонасини барпо этди. Франция ва Японияниинг замонавий ускуналарида аралаш пахта-акрил ипи ҳамда 30 хилдаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш технологияси ўзлаштирилди.

Зарафшон, Учқудуқ, Навоий, Тошкент ва бошқа шаҳарларда 9 та цех барпо этилди, уларда 800 киши ишламоқда. Корхона бу йил 2,6 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилишни, 1997 йилда бу кўрсаткични 9 миллион АҚШ долларига етказишни режалаштирмоқда.

Бу ташаббус ҳар томонлама эътиборга сазовор.

Учинчидан, истеъмол товарлари, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хусусий корхоналар улушини кескин ошириш лозим. Хусусий секторга кенг йўл очиб бериш керак. Ишбилармонларнинг хом ашё ва фонд биржаларида хом ашё, материал ва жиҳозларни сотиб олиши учун қулайлик туғдириш жуда ҳам муҳим. Хусусий секторгина талаб ва шароитнинг ўзгаришига мос равишда тезлик билан ўзгара олади.

3700 корхона ва ташкилот бўйича ўтказилган текширувлар таҳлилидан маълум бўлишича, 1995 йилда ва бу йилнинг биринчи ярмида бу корхона ва ташкилотлар 21 минг марта ёки ўрта ҳисобда олганда, уларнинг ҳар бири турли органлар томонидан 5-6 мартадан текширилган. Солиқ органларидан ташқари энг кўп текширув санитария-эпидемия хизматига (умумий миқдорнинг 17,8 фоизи), банкларга (17,4 фоиз), давлат ёнғин назоратига (11,2 фоиз), маҳаллий ҳокимият органлари ва бошқармаларга (қарийб 7 фоиз) тўғри келади.

Мисол учун «Электркимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси 43 марта, жумладан, Энергия назорати томонидан 9 марта, Техника назорати томонидан 7 марта, молия органлари томонидан 5 марта, Давлат ёнғин назорати, санэпидстанция, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан 4 мартадан, Прокуратура ва Банк томонидан 3 мартадан, шаҳар ҳарбий комиссариати ва солиқ органлари томонидан 2 мартадан текширилган. Текширувлар 300 кундан ортиқ давом этган.

Чирчиқ трансформатор заводи 56 марта, жумладан, Ўзэнергоназорати томонидан 11 марта, Техникназорат томонидан 9 марта, табиатни муҳофаза қилиш органлари томонидан 8 марта, молия органлари томонидан 6 марта, давлат ёнғин назорати ва санэпидстанция томонидан 5 мартадан, прокуратура ва банк органлари томонидан 3 мартадан, солиқ органлари, адлия органлари ва ҳатто иситиш тармоқлари назорати томонидан 2 мартадан текширилган. Каттақўрғон ёғ-мой комбинати турли органлар томонидан 50 марта, «Нарзия» (Самарқанд вилояти) савдо-ишлаб чиқариш фирмаси 30 марта текширилган.

Кўпгина корхоналарда ҳам аҳвол шундай. Бундай шароитда қандай қилиб унумли ишлаш мумкин? Бу вақтни бой бериш, тўғридан-тўғри йўқотишларнинг эмас, текширилаётган жамоаларни ёмон аҳволга ҳам солиб қўяди, номақбул руҳий муҳит юзага келишига сабаб бўлади. Охир-оқибатда у интизомни мустаҳкамлашга эмас, аксинча, меҳнат унумдорлиги пасайишига олиб келади, жамоаларнинг қонунчиликка бўлган ишончига раҳна солади ва, энг муҳими, бу текширувларнинг ўзини обрўсизлантиради.

Бу борада қатъий тартиб ўрнатиш, текширувлар даражаси ва сонини ҳамда назорат органларининг ваколатларини чеклаш зарур. Мансабдор шахслар ва давлат органларининг корхоналарнинг ички ишларига асоссиз аралашувини таъқиқлаб қўйиш керак. Аудиторлик хизматларининг ўрни ва масъулиятини ошириш, махсус солиқ судларини барпо этиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

Ҳукуматимиз (Ў.Султонов) икки ҳафталик муддат ичида бу ишда тартиб ўрнатиш ва бошқариш вазифаси юкланган махсус Мувофиқлаштирувчи Кенгашни ташкил этиш ҳақида таклиф киритсин. Кенгашга бу бюрократик офатга, текширувларни таъмагирлик ва зўравонлик қилишга айлантириш ҳаракатларига чек қўйиш ваколатини бериш керак.

**Бугунги ғоят муҳим вазифа** — корхоналар, тадбиркорлик тузилмаларини мансабдорликтўрачиликнинг турли шаклларидан муҳофаза қилиш учун маъмурий-бошқарув ишида ишлайдиганлар сонини қисқартиришдан иборат. Юксак малакали ва билимдон мутахассислардан иборат бутунлай янги бошқарув аппаратини барпо этиш, бу мутахассислар учун кучли рағбат ва кафолат тизимини яратиш ҳақида ўйлашимиз зарур.

Аллақачон давлат хизмати ҳақида махсус қонун қабул қилиш зарурати ҳам пайдо бўлган.

**Ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг принципиал вазифаси** — қимматли қоғозлар бозорини, энг аввало иккиламчи бозорни янада фаолроқ ривожлантириш зарур. Қимматли қоғозлар бозорини барпо этиш ва акционерлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича Марказ ташкил этилган, бироқ ҳанузгача сезиларли натижа кўзга ташланган йўқ. Ҳа, биз бу узоқ давом этадиган жараён эканини, унга яхши тайёргарлик кўриш, биринчи навбатда раҳбарларнинг ҳам, барча фуқароларнинг ҳам тафаккурини ўзгартириш лозимлигини тушунамиз. Бироқ биз ҳозирнинг ўзидаёқ аҳолининг кенг қатламларида қимматли қоғозларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, фонд бозорларида уларни ишлатиш одатлари ва механизмларини эгаллашга майл уйғотишимиз зарур. Яна бир бор таъкидлаб айтаманки, қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини ташкил этиш энг муҳим масалалардан биридир. Биз уни ривожлантириш учун ташкилий, меъёрий ва институционал шарт-шароитлар яратишимиз зарур.

**Навбатдаги муҳим вазифа** — солиқларни такомиллаштириш масаласидир. Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси 1997 йилги бюджет лойиҳаси билан яхшилаб танишиб, солиқ олинадиган базани батафсил аниқлаб, уни кенгайтириш имкониятлари бўйича муайян таҳлил ўтказиши, солиқ тизимини такомиллаштириш бўйича умумий ёндашувларда аниқ йўлни топиб олиши лозим.

Биз солиқларнинг янги турларини жорий этиш ниятида эмасмиз. Солиқ тизими қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда такомиллаштирилиши даркор:

—солиқларнинг рағбатлантирувчи вазифасини кучайтиришга эришиш мақсадида фойдадан олинадиган солиқнинг ҳар қайси соҳа, ҳар қайси тармоқнинг алоҳида хусусиятларига қараб белгилаш;

— билвосита солиқлар, энг аввало, ресурс тўловларининг аҳамиятини ошириш;

— акциз базасини кенгайтириш;

— солиқ тўловлари турларини камайтириш ва уларни яхлит ҳолга келтириш.

Азиз дўстлар!

Сўзимнинг охирида барча тилга олинган нарсаларга якун ясар эканман, эътиборингизни учинчи чоракда ва йилнинг охиригача олдимизда турган вазифаларга қаратмоқчиман.

Биринчи навбатда кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўриш ҳақида сўз кетмоқда. Энергетика тизимининг, электростанцияларнинг, буғ қозонхоналарининг, газ тармоқларининг техник ҳолатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида амалга ошириш зарур. Ушбу мақсадларга эришишда мазкур йўналишда ишлаётган корхоналарнинг барча имкониятлари ва ресурслари ишга солиниши керак.

Бу борада яна бир кечиктириб бўлмайдиган масалага ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Молия вазирлиги ўзаро тўловлар муаммосини ҳал этиши, корхоналарни, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика мажмуини айланма маблағлар билан таъминлаши зарур, чунки бу соҳадаги ўзаро тўловлар муаммоси республиканинг умумий молия тизимида бошқа кўплаб муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ҳисоб-китобларнинг, умуман, ўзини оқлаган вексель тизими бюджет тушумларининг камайиб кетиши ва республикада тўлов интизоми пасайиб кетишига олиб келмаслиги учун зарур чораларни кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Қадрли дўстлар!

Барчамиз бир нарсани яхши тушунамиз ва уни қайта-қайта таъкидлаб ўтиришнинг ҳожати ҳам бўлмаса керак. Мен навбатдаги мавсум, қолаверса, жорий йил якунлари ғўзани ўстириш, йиғим-теримга тайёргарлик кўриш ва йиғим техникасини мавсумга тахт қилиб қўйишга бевосита боғлиқ эканини назарда тутяпман. Умид қиламанки, бу ерда ўтирган ҳокимлар, вазирликлар ва муассасалар раҳбарлари ўзининг бу борадаги масъулиятини яхши тушунади.

Сўзимни тугатар эканман, барчангизга, энг аввало, раҳбарларга Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллик юбилейига бир ойдан ошиқроқ вақт қолганини эслатиб қўймоқчиман. Яна икки ойдан сўнг буюк бобокалонимиз соҳибқирон Амир Темур ҳазратлари таваллудининг 660 йиллигини нишонлаймиз.

Ишончим комилки, халқимиз ва давлатимиз ҳаётидаги бу тарихий саналар, Ўзбекистонда яшаётган ҳеч бир кишини бефарқ қолдирмайди.

Барчангизга эл-юртимиз фаровонлиги учун, обод бўлишига қилаётган меҳнатингиз учун миннатдорчилик билдириб, ишларингизга равнақ ва омад тилайман.

## ХАЛҚАРО ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР

ХАЁТ

### ОЛАМ ЎЗГАРИШЛАРИ

#### ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ БОШЛАНДИ

*• ҚОҲИРА. Куни кеча Миср пойтахтида «Ислом ва цивилизацияларо мулоқот истиқболи» шиори остида Ислом Дини муаммоларига бағишланган халқаро конференция иш бошлади. Саккизинчи маротаба ўтказилаётган бу тадбир 28 июль куни бутун Ислом оламида қутланадиган Мавлуд байрамига — пайғамбар Муҳаммад алайҳиссаломнинг таваллуд кунларига тўғри келмоқда.*

*Анжуманда 71 мамлакатдан дин пешволари, давлат арбоблари, олимлар, бир қанча араб давлатларининг вақф ишлари вазирлари иштирок этмоқда.*

*Конференцияда қатнашаётган Миср вақф ишлари вазири Ҳамдий Закзук: «Биз бу ерга Ислом дини сабр-тоқат ва тинчлик дини эканини, унинг ҳеч қандай тажовузкорлик ва адолатсизликни қабул этмаслигини бутун оламга кўрсатиш учун йиғилдик», деб таъкидлади.*

#### ТАҚЧИЛЛИК-ТУШКУНЛИК САБАБЧИСИ

**• ТОКИО. Шимолий Кореяда юзага келган озиқ-овқат тақчиллиги туфайли қуролли кучлар сафида интизомни бузиш ҳоллари содир бўлмоқда. Шу кунларда Японияда музокаралар олиб бораётган АҚШ мудофаа вазири Уильям Перрининг таъкидлашича, КХДР раҳбариятида юз бераётган ички низолар аҳолининг руҳий тушкунлигига сабаб бўлмоқда. Ўз навбатида АҚШ мудофаа вазири Шимоли-Шарқий Осиёда вазият оғирлашиб бораётгани ҳақида тўхталиб, ўз қўшинларининг минтақадаги ҳар қандай ўзгаришларга тайёр туриши кераклигини ва бу борада Япония ҳукуматининг кўмак беришига умид қилишини билдирди.**

#### ЯНА ҚОНЛИ ЖАНГЛАР

*• КОЛОМБО. Шри-Ланкада ҳукумат армияси ва тамил сепаратистлари ўртасида яна қонли жанглар бошланди.*

*Мамлакат Шимоли-шарқида жойлашган Муллайтива тумани ана шундай қарама-қаршиликлар майдонига айланди. 18 июль куни «Тамил илама» — озодлик йўлбарслари» (ТОТИ) ташкилоти жангарилари Муллайтивани ишғол қилиши оқибатида мамлакатдаги кескинлик янада кучайиб кетди.*

*ТОТИ маълумотига қараганда, Муллайтива учун жангда ҳукумат армияси 1200 нафардан зиёд зобит ва аскар йўқотган, ТОТИ жангариларидан эса 400 нафар киши ҳалок бўлган.*

#### ЁЛҒОН ҚЎНҒИРОҚЛАР КЎПАЙМОҚДА

**• РИМ. Италия пойтахтидаги халқаро аэропорт номаълум кимсанинг яширин қўнғироғи туфайли бир соат давомида ўз фаолиятини тўхтатиб туришга мажбур бўлди.**

**Сўнгги пайтларда Европада бундай «совуқ ўйинлар» билан шуғулланадиган телефон безорилари сони ортиб бораётгани кўпчиликни ташвишга солаётир. Бу сафар ҳам Рим аэропортида самолётлар учишини назорат қилувчига кимдир сим қоқиб, Рим-Кальяри йўналиши бўйича учаётган самолёт ичига бомба қўйилганини айтган. Зудлик билан чора тадбирлар кўрилиб, самолёт текширилганда маълумотнинг ёлғон экани маълум бўлди.**

### ҚИСҚАЧА АЙТГАНДА...

**• БЕЛГРАД. Аюб Ганич бошчилигидаги Мусулмон-Хорват федерацияси делегациясининг Белградга ташрифи кутилган натижаларни бермади. Музокаралар ниҳоясида почта ва телефон алоқасини ўрнатиш, Сараево ва Белградда ЮСР ва федерация савдо палаталарини очишга келишилди. Темир йўл, автомобиль ва ҳаво транспорти алоқаларини ўрнатиш тўғрисидаги шартнома техник ва сиёсий келишмовчиликлар туфайли имзоланмади.**

***

**• МИНСК. Беларусь Президенти Александр Лукашенко расмий ташриф билан Туркияга келди. Сафар давомида Президент Александр Лукашенко Туркия Президенти Сулаймон Демирэл билан мулоқотда бўлиб, Туркия Бош вазири, мамлакат парламенти раҳбари, ишбилармон доиралар вакиллари билан учрашади.**

**Ташриф давомида икки мамлакат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик, икки томонлама солиқ солмаслик, сайёҳлик ҳамда уюшган халқаро жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги бир қанча битимлар имзоланади.**

***

**• ДЕҲЛИ. Бангладеш марказий сайлов комиссияси 66 ёшли Шаҳобиддин Аҳмадни мамлакатнинг янги Президенти деб расман эълон қилди. Комиссия сайловни 1 август куни ўтказишни белгилаган эди. Лекин мамлакат одий судининг собиқ раиси ушбу юксак лавозимга ягона номзод бўлгани туфайли, сайлов комиссияси шундай қарорга келди.**

***

**• ВАШИНГТОН. АҚШ конгрессининг вакиллар палатаси Венгрия, Польша ва Чехия НАТОга тезроқ қўшилиши учун 60 миллион доллар миқдорида маблағ ажратишга қарор қилди.**

**Конгресс вакили Бенжамин Гилмэннинг фикрича, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари шимолий Атлантика ҳарбий блоки аъзолигига тезроқ қабул қилиниши ушбу мамлакатлардаги демократия янада мустаҳкамланишига кўмак беради.**

*Ғалати рекорд*

### ТАҚАЛИ РАҚҚОС

**Кингетон.** Тақали раққосни кўрганмисиз? Кўргансиз. Чечетка — рақси. Яъни пойабзалга тақа қоқиб, оёқлар ҳаракатини уйғунлаштириб мусиқа ҳосил этасиз, оёқ товушига рақсга тушасиз. Бу санъат тури билан қадимдан испан, португал, грек, Бразилия, Мексика ва бошқа халқлар шуғулланишган. Ҳозир эса бутун дунё халқларига расм-удум бўлиб кетди. Чечеткачи жаҳон рекордчилари талайгина. Шулардан бири Дадли.

Ямайкалик Дадли Кларк эса жаҳон рекордини янгилади. Дадли 42 соат тўхтовсиз тақали рақсга тушди. Ҳаммадан қизиғи у бошига кирчир, лаш-лушлар тўла саватни қўйиб олганди.

Тақали рақс-чечетка нафис, мураккаб санъат тури. Лекин унинг рекордчиси бўлиш қай тахлитда бўлсаям раққосга боғлиқ экан.

*Аломат гаплар*

### ТЕЗ ГАПИРМАНГ, МИЯНГИЗ СУЮЛИБ КЕТАРКАН

**Дублин.** Нутқ маданияти ҳам инсоннинг алоҳида фазилати. Кимдир салмоқланиб, биримиз эса ҳиссиётга берилиб баланд овоз пардасида гапирамиз. Бу табиий. Яна бир тоифа одамлар борки улар эса шунчалар тез гапирадиларки... Шундай кезлари суҳбатдоши: «Бир бошдан ётиғи билан тушунтиринг» деб қўяди. Тез гапириш ҳечам камчилик, нуқсон эмас. Лекин саломатлигимизга путур етказаркан.

Ирландиялик тадқиқотчи олимлар узоқ кузатишлардан сўнг тез гапириш мияни толиқтиради, хатто мия фаолиятини бузади, деган тахминларни айтяптилар. Улар одам тез гапирганда, миянинг электр активлиги бузилишини эса асослаб беришди.

— Ҳозирча бу якуний хулоса эмас. Лекин тез гапириш инсон мия хужайраларини ҳатто ўлдиради, — дейди илмий-текшириш раҳбари Борис Селлз. — Кузатишларимиз поёнига етгани йўқ. Фараз ва тахминларимизда эса асос бор. Шундай бўлса-да, одамлар, айниқса, тез гапирувчилар «тезликни» пасайтиргани маъқул.

## ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

### ДУШАНБА, 29

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.30. «Ҳафтанома».

*

8.30 «Мусиқий хазина». Феруз.
9.00 «Ҳаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув.
9.30 «Кичкинтоймиз — гижингтойимиз».
10.00 Янгиликлар.
10.05 Футбол шарҳи.
10.20 «Бола бошидан...» Мактабгача тарбия масалалари.
10.50 «Адолат». Ҳуқуқий-публицистик кўрсатув.
11.15 Эртаклар — яхшиликка етаклар. «Оби ҳаёт». Жиззах қўғирчоқ театрининг спектакли.
11.45 Тақдир. «Меҳрингизга ташнаман...».
12.15 «Силовсин овга чиқди». Бадиий фильм.
13.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
14.00 Янгиликлар.
14.05 УзТВ ҳазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 1-қисм.
15.10 — 15.25 «Атланта-96».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Эркатой».
18.30 «Кулги дармон дейдилар».
18.50 «Мозийдан садо».
19.05 «2000-йилдан сўнг». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Биржа ва банк хабарлари.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.10 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Бухоро вилояти.
21.50 «Зарчашма».
22.05 Бу оқшом...
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 Мусиқий дақиқалар.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Дустлик» — «Навбаҳор».
00.40 «Оламга саёҳат».
01.10 Тунги тароналар.
01.30 — 01.40 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Услуб».
18.25 «Палитра».
18.55 «Мультфейерверк».
19.20 «Клип-антракт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Камертон».
20.10 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Курьер».
21.20 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.30 «Клип-антракт».
22.35 — 23.35 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Ёз манзаралари». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**
**18.10 — 20.35**

*

20.35 «Карачингиль». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 «Кодрлар». Телефильм.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**22.40 — 23.15**

*

23.15 «Фильмлар ва тақдирлар».
23.55 — 24.00 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Қўзмунчоқ». Болалар учун дастур.
19.30 «Аёл».
20.05 Эълонлар.
20.10 «Йўлингиз бехатар бўлсин!»
20.40 Кинематограф. «Инспектор Фрост». Телесериал.
21.30 Эълонлар.
21.35 «IV канал» эксклюзиви».
22.05 «Спорт-тайм».
22.35 Эълонлар.
22.40 «Ҳуқуқ ҳимоячилари».
23.05 «Гулшан диёрим» («Тошкентнома»).
23.50 — 24.00 «Хайрли тун!».

### СЕШАНБА, 30

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Олам ва одам». Маърифий кўрсатув.
9.00 Биржа ва банк хабарлари.
9.20 «Тошкент фавворалари». Телефильм.
9.30 «Оналар мактаби». Тележурнал.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Рақслар гулдастаси».

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 Абитуриент-96. Математика.
11.00 Инглиз тили.
11.30 Абитуриент-96. Она тили.

*

12.00 «Қимматли бола». Бадиий фильм.
13.20 «Алла» ижрочиларининг кўрик-танлови.
14.00 Янгиликлар.
14.05 УзТВ ҳазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 2-қисм.
15.10 — 15.25 «Атланта-96».

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Табиатшунослар клуби». Болалар учун кўрсатув.
18.30 «Спорт. Спорт. Спорт».
18.40 «Виждон». Телесериал.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дурдона».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Бизнес-академия».
21.20 «Д.Д.Д. ва бошқалар».
21.55 УзТВ экранида биринчи марта. «Товус-малика». Бадиий фильм.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 «Мусиқий саёҳат».
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Тропиканка сири». Телесериал.
19.05 «Мультфейерверк».
19.15 «Блиц». Фотокўрик.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Постфактум».
20.05 «Нафис мажлислар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «АРТ-журнал».
21.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.25 — 00.10 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Пружинкул». Мультфильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

**18.10 — 20.35**

*

20.35 «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**22.25 — 23.00**

*

23.00 «Сочидаги қоронғи тунлар». Бадиий фильм. 1-серия.
24.00 — 00.05 Янгиликлар.

*

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**22.25 — 23.25**

*

23.25 «Сочидаги қоронғи тунлар». Бадиий фильм. 2-серия.
00.25 — 00.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Маънавият сарчашмалари».
19.35 «Иқтисодиёт уфқлари».
20.05 «Жаҳон болалари».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Кинематограф».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Нафосат гулшани».
22.05 «Тошкент оқшомида».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Юлдузлар жилоси».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

### ЧОРШАНБА, 31

I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».

*

8.25 Эстрада қўшиқлари.
9.00 «Китоб ва ҳаёт». Тележурнал.
9.30 Болалар учун. «Оромгоҳлар қўйнида».
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Кашф этилаётган имкониятлар». Ҳиссадорлар ҳиммати.

**Ўқув машғулотлари:**

10.30 Абитуриент-96. Кимё.
11.00 «Ассалом, япон тили!».
11.40 Абитуриент-96. Физика.

*

12.10 Қўқон шаҳар «Сарвигул» ансамблининг концерти.
12.40 «Ислоҳот ва масъулият».
13.10 «Нафосат дунёси». Кинодастур.
13.50 «Ишқ қиссаси». Катталар учун мультфильм.
14.00 Янгиликлар.
14.05 УзТВ ҳазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм. 3-қисм.
15.10 «Атланта-96».
15.25 — 15.55 «Бахтиёр Холхўжаев куйлаганда». Фильм-концерт.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 Болалар учун концерт.
18.25 «Автоолам».
18.40 «Сайёрамиз садоси». Публицистик кўрсатув.
19.00 Шеърият лаҳзалари.
19.05 «Замон билан ҳамнафас».
19.20 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Фольклор-этнографик жамоаларининг «Зилол» телевизион фестивали.
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисодиёт чорраҳаларида».
21.20 «Жаҳон киноси юлдузлари». Жулия Робертс.
21.40 «Шаҳар бедарвоза эмас...»
22.05 «Дубль».
22.15 «15 дақиқа спорт ҳақида».
22.30 «Морена Клара». Телесериал.
23.20 «Оҳанглар оғушида».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Тунги тароналар.
00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II

18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Табиат дунёси».
19.10 «Мультфейерверк».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Дунё бўйлаб...».
20.20 Видеоклип.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20 «Гиннес-шоу».
22.45 — 23.45 «Спорт қитъаси».

III

17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Красавка». Телефильм.

*

**Россия жамоат телевидениеси**

6.30 — 8.00 «Телетонг».

* * *

**18.10 — 20.35**

*

20.35 «Эсдалик учун дастхат».

*

**Россия давлат телевидениеси**
**21.00 — 21.30**

*

21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.

*

**Россия давлат телевидениеси**
**22.25 — 23.25**

*

23.25 «Сочидаги қоронғи тунлар». Бадиий фильм. 2-серия.
00.25 — 00.30 Янгиликлар.

IV

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

*

18.45 «Ўзбекистон муштарак».
18.50 «Мультқарусель».
19.05 «Маънавият сарчашмалари».
19.35 «Иқтисодиёт уфқлари».
20.05 «Жаҳон болалари».
20.35 Эълонлар.
20.40 «Кинематограф».
21.30 Эълонлар.
21.35 «Нафосат гулшани».
22.05 «Тошкент оқшомида».
22.50 Эълонлар.
22.55 «Юлдузлар жилоси».
23.15 — 23.25 «Хайрли тун!».

### ПАЙШАНБА, 1

I

6.30 «

*Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,*
*Ўзбекистон халқ шоири*

# ОЛЛОҲ БИЗГА ЎЗГА ВАТАН ЁЗМАГАН!

## ТУРКИСТОН ТУПРОҒИДА

...Баъзан Машраб саланглаб, осилиб турар Балхда...
Хотиротдан жунжикиб, бўғзим бўғилиб талхда,
— Иншооллоҳ — дегайман, Машрабин сўрар халққа,
Тикилмагай энди дор, Туркистон тупроғида.

Бугун кўнгилга тушган барқ бизни кўтаради,
Фисқу фужур кирмас дил, берк бизни кўтаради,
Оллоҳдан умид, энди, эрк бизни кўтаради,
Қизармагай энди қор, Туркистон тупроғида.

Энди бойи бир-бирин кўзин чўқиб кетмагай,
Шоирлари бир-бирин сўзин чўқиб кетмагай,
Бирин чоҳ дарёсида бири чўкиб кетмагай,
Йўқ денг поймол, йўқ денг хор, Туркистон тупроғида.

Бошига келган шонни энди шон денг чинданам,
Гўдагин пучаги йўқ, бўлиқ дон денг чинданам,
Энди шайху, муриди мусулмон денг чинданам,
Шоҳдир номус, шоҳдир ор Туркистон тупроғида.

Боғлари булбул қолиб, зоғини сайламагай,
Кўнгилни ёйламагай, кўз ёшни сойламагай,
Энди ғижжак инграмас, най нола айламагай,
Энди йиғламагай тор, Туркистон тупроғида.

Деманг бири Чин-Мо-чин, бири
Дашт-Қипчоқ бўлгай,
Бир-бирининг юкига елка тутар тоғ бўлгай,
Ҳар бири бўлмаганда Муқанна, Широқ бўлгай,
Ҳар муслим тик сарбадор Туркистон тупроғида.

Энди турмоқ онидир, эй, энди тикланмоқ они,
Энди Дунё кўрар туркнинг қарқарали қалққани,
Энди болаларига бало келса, қалқони,
Соҳибқирон туғи бор Туркистон тупроғида.

Энди эркнинг ҳавоси дала-дузни ўстирар,
Иншооллоҳ, кўнгилда энди эркдай дўст турар,
Энди ерпарчинмасмиз, энди бизни ўстирар
Амир Темур руҳи бор Туркистон тупроғида.

## СОҲИБҚИРОН, ДАМ БЕРТАЙСИЗ БУГУН ЎК-ЁЙГА...

Бугун тунда аждодларим келди қад ростлаб,
Қодир эгам турк заминга тўкди зарларин.
Бугун тунда то тонгтача «ё Оллоҳ, дўст»лаб
Ҳақдин айтди Яссавийнинг қаландарлари.

Аниқ-тиниқ кўриб турдим, чалинди бурғу,
Саф-саф қўшин кўзларида чўғ, кўтарилди.
Кўтарилди авлодларга армон, унут туғ.
Ер остини тутиб ётган туғ кўтарилди!

Шаҳидларим, гўрдан чиқиб, айлашиб хитоб,
Бул кун шарҳин дунёларга ёйиб келдилар.
Мункиб-туриб, аранг юриб бўлганларим соб
Ўз қонларига қоришиб, тойиб келдилар.

Қабрдаги ўликкача олди ёв, кириб
Аммо босиб ололмади томирда қонни.
Ўзим кўрдим, яраланган Барсдай ўкириб
Дорни судраб келаётган Дукчи Эшонни!

Усмон Носир олазарак қаҳ-қаҳа солди,
Сўнг жим қолди, «совқотдим» —
деб қўлларин куфлаб.
Шивирлади :«Сибирь, аёз ўпкамни олди —
Исингани келдим»— деди ерга қон туфлаб.

Ватан, Ватан нима ўзи қўксин ўқ тилган
Ватан ўз юртидан айру, адо бўлган зўр.
Ватан, Ватан, Машраб асли, Балхда осилган
Ватан — кетиб, Ватанига қайтолмаган гўр.

## КЎП ЧИҚДИМ МЕН ВАТАНИМНИНГ ТЎРИГА

*Улуғбекка*

Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига,
Пойгагида сенам оёқ еч, болам.
Экин эккин унинг қиру-ўрига,
Тўкин эккин, эккин қолмай кеч, болам.

Ўзга юртлар шамоллари чақирди.
Кўз олгувчи жамоллари чақирди.
Баланду баркамоллари чақирди,
Кетмадик биз. Кетолмадик ҳеч, болам.

Момонг шу ерда чирқиллаб йўқлайди,
Бобонг оёғин узатиб ухлайди.
Кетсак улар... гўрларида йиғлайди,
Қолган гаплар бари ёлғон, пуч болам.

Оллоҳ бизга ўзга Ватан ёзмаган!
Бобосини, момосини босмаган.
Юз тўфондан бир япроғи тўзмаган,
Сабр болам, қудрат болам, куч болам!

Кўп чиқдим мен Ватанимнинг тўрига...

## НИМА ДЕБ КУЙЛАШНИ МЕНГА ЎРГАТГИЛ...

Эҳтимол, буюмдан воз кечмоқ мумкин,
Бебаҳо кийимдан воз кечмоқ мумкин,
Нақшинкор уйингдан воз кечмоқ мумкин,
Аммо кекса онангдан эмас!

Чаманлар эҳтимол, хотирдан кетар,
Тотганинг оғу бол хотирдан кетар,
От кетар, суюкли, бўрон ёл кетар,
Кекса отанг кетмас хотирдан, аммо!

Балки хотин кетар, сендан узилиб,
Балки боланг, майли, кўнгли бузилиб,
Буларга айбдордай куйиб, эзилиб
Шўрлик онанг сендан қаёққа кетар!

Бездирсанг ит кетар улоқиб, дайдиб,
Дўст кетар, дўстликка лаънатлар айтиб,
Руҳи ҳам, чирқиллаб қоровуллайди
Отангни ўлгач ҳам кеткизолмайсан!

Шундай дердим... аммо бугун бу йўлда
Нимадир ўзгарди, нимадир ўлди.
Ҳайрон кўзларига қумлар тиқилди,
Отанг уйдан кетди биринчи бўлиб!

Қадимда онани қақшатса хотин,
От думига боғлаб олинарди хун,
Ўша арқон эркак тилида бугун
Онанг уйдан чиқди иккинчи бўлиб!

Хотиржамсан, гарчанд сиёҳ кеч кирар,
«Кўчада эмас-ку» юпанч, қуч кирар,
«Ў, болам-а», деган ёзув қичқирар
«Қариялар уйин» деворларида!

Қўқдан қормас, қарғиш ёққаними бу,
Бола эмас, бало боққаними бу,
Дарёнинг тескари оққаними бу,
«Тушун» — дейсан, буни қандоқ тушунай?!

Қичқириқ тутади дунёи дунни,
Ўчиринг, ўчиринг бу фиғон, унни!
Оқибат топилмас анқо бу кунни
Нима деб куйлашни менга ўргатгил...

## ТЎРТЛИКЛАР

***

Ўтмагану ўтканимиз нимага арзир?
Ютмагану ютганимиз нимага арзир?
«Бошин олиб бир сориға» кетганда Бобур,
Сен-у бизнинг кетганимиз нимага арзир?!

***

Берсак бутун бор тақдирни, шонни берайлик,
Не тақдир, ҳар тирик нафас, онни берайлик.
Биз деб яшайдиганлар-ку, яшайверади,
Биз бизни деб ўларларга жонни берайлик.

***

Чумолижон, менинг хомуш ҳолимдан кулма,
Ҳам «дардинг бер, кўтаргум», —
деб гудозлик қилма.
Менинг дардим бор. Бирин берсам арслон чўкади,
Сен айланиб ўтавергин қўй, сен янчилма.

***

Толе мени ғамга ҳамон еткурди,
Ўт, сувга отди, ҳар томон еткурди.
Ногоҳ сени кўрдим... қолган Дунё куч
Шукур дийдорингга омон еткурди!

***

Одам таҳдидлидир еру — нон берганида,
Қутурган арслондир тахту-шон берганида
Ажаб, нечун чумолича қурби, шаҳди йўқ,
Гўдакдайин мулойим у жон берганида.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.*
*Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.*
*Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.*
*Реклама ва эълонлар — 33-38-55, факс — 33-79-14.*

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

*Андижонда — 5-27-11;*
*Бухорода — 3-54-87;*
*Гулистонда — 2-26-22;*
*Жиззахда — 3-31-86;*
*Навоийда — 3-75-43;*
*Наманганда — 6-43-43;*
*Нукусда — 7-58-83;*
*Самарқандда — 35-22-90;*
*Тошкентда — 33-12-56;*
*Урганчда — 6-51-35;*
*Фарғонада — 22-36-78;*
*Қаршида — 3-25-79;*
*Қумқўрғонда — 5-26-24.*

МАНЗИЛИМИЗ:

700000,
ТОШКЕНТ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ,
32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Навбатчи муҳаррир С. АШУР, навбатчи А. ПЎЛАТОВ.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 26.845 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0363

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*

*1 2 3 4 5 6.*

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

# ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

**(Давоми. Боши 3-бетда).**

23.35—00.05 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Қўриқхонадаги қуш уялари». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.10 — 20.35
*
20.35 «Сеҳрли най». Телефильм.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.25 Эълонлар.
*
Россия давлат телевидениеси
22.30 — 23.00
*
23.00 — 23.05 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
19.30 Эълонлар.
19.35 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.25 «Каталог».
20.40 Эълонлар.
20.45 «02» тўлқинида.
21.00 «Эколот-коктейль».
21.30 «Компьютер-ревю».
22.00 Эълонлар.
22.05 «Кобра». Телесериал (АҚШ).
22.50 — 23.00 «Хайрли тун!».

## ЖУМА, 2

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Юзма-юз».
8.45 Ўзбек куйларидан концерт.
9.15 «Атланта-96».
9.30 «Эъзоз». Телеочерк.
10.00 Янгиликлар.
10.05 «Сиҳат-саломатлик». Тележурнал.
10.35 Болалар учун. «Қушиғим, жон қўшиғим».
11.10 «Ўзбекистон — телевидение Ватани».
11.40 «Фильм суратга олинди...» «Ўзбектелефильм»да яратилган янги фильмлар.
12.20 «Фермер». Тележурнал.
12.50 «Маърифат» видеоканали.
14.00 Янгиликлар.
14.05—15.35 ЎзТВ хазинасидан. Чўлпон. «Кеча ва кундуз». Видеофильм, 5-қисм.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Синфдош».
18.30 «Аудитория».
18.55 Бизнес ҳафта якунлари.
19.05 «Ҳавас—ТВ».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Эртага — шанба».
20.15 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Буюк келажак сари».
21.20 «Ривоят».
21.30 «Сизлардан ишорат».
21.55 «Репортаж».
22.25 «Морена Клара». Телесериал.
23.05 «Мафтункор чеҳралар».
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ахборот».
23.55 Бизнес ҳафта якунлари.
00.05 Тунги тароналар.
00.15 — 00.25 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 Янгиликлар.
18.10 Эълонлар.
18.15 «Мультфейерверк».
18.40 «Сизнинг имконият».
18.50 «Мусиқа, холос».
19.05 «Бизнес-уик».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Видеогид.
20.15 «Мусиқа, холос».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 ТВ II намойиш этади.
21.10 Оҳанглар ва Эълонлар.
21.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
22.20—23.20 «Спорт қитъаси».
III
17.50 Янгиликлар.
17.55 Эълонлар.
18.00 «Дархон». Телефильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
6.30 — 8.00 «Телетонг».
* * *
18.15 — 20.35
*
20.35 «Шоҳсупа сари йўл». Спорт кўрсатуви.
*
Россия давлат телевидениеси
21.00 — 21.30
*
21.30 Эълонлар.
21.35 «Янги қурбон». Телесериал.
22.30 — 22:35 Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
22.35 — 23.45
*
23.45 — 23.50 Янгиликлар.
IV
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Учқун».
19.35 «Билиб қўйган яхши».
20.00 «Мусиқий меҳмонхона».
20.30 Эълонлар.
20.35 «Утмишсиз келажак йўқ».
21.05 «Долзарб репортаж».
21.35 Эълонлар.
21.40 «Бу бустон аро...»
22.10 «Кайфият».
22.40 — 22.50 «Хайрли тун!».

## ШАНБА, 3

I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 Республика газеталарининг шарҳи.
8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур.
9.05 «Аёл борки, олам мунаввар...» Публицистик кўрсатув.
9.35 «Саҳна ҳаёти». Тележурнал.
10.10 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
10.45 Пойтахт концерт залларида.
11.20 «Малина виноси». Бадиий фильм.
12.50 «Рангин дунё». Бадиий публицистик кўрсатув.
«Ёшлик» студияси намойиш этади:
13.20 «Менга сўз беринг».
14.20 «Ёшлар ва замон».
14.40 «Атланта-96».
14.55—15.20 «Оқибат».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Совға».
18.20 «Олам».
18.35 «Ҳайрат».
18.50 «Сиз севган қўшиқ».
19.05 «Мактуб».
19.15 «Оққуш».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Оқшом эртаклари.
20.05 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.15 «Оҳанглар оғушида».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 Буюк келажак сари. «Ишингиз бароридан келсин!».
21.20 «Ўзбекистон — Ватаним маним!»
21.35 «Кўнгил».
21.55 Мусиқа салтанати.
«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:
22.15 «Мўъжиза».
22.30 «Имкон чўққилари».
22.45 «Эрамиздан миллион йил аввал». Бадиий фильм.
II
18.00 «Мультфейерверк».
18.10 «Ўйинчоқлар растаси».
18.20 «Ҳужжатли кино» экрани».
19.00 Эълонлар.
19.05 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Компьютер-Осиё».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ахборот».
20.55 Эълонлар.
21.00 «Бангкок — Хилтон». Телесериал.
21.25 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».
III
17.20 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
17.30 — 20.35
*
Россия давлат телевидениеси
20.35 — 23.05
*
Россия жамоат телевидениеси
23.05 — 23.50
*
23.50 — 00.10 «Тошда акс этган қуёш». Телефильм.
IV
«Чинор» видеоканали:
10.00 «Замандас».
10.30 «Бизнен мирас».
11.00 Эълонлар.
11.05 «Умид».
11.35 «Чинсэн».
12.05 Эълонлар.
12.10 — 13.25 Болалар учун фильм. «Шаҳзода ва гадо».
* * *
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «Олам ва одам».
19.25 «Рақслар қанотида».
19.50 Эълонлар.
19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.45 «Спорт-дайджест» (рус тилида).
21.15 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.20 Эълонлар.
21.25 «Эллада».
21.55 «Америка билан учрашув». Телешоу.
22.15 Эълонлар.
22.20 Кинонинг олтин асри. Омар Шериф «Севги ҳақида миш-мишлар» фильмида (Миср).
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

## ЯКШАНБА, 4

I
6.30 «Ассалом Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури.
8.00 — 8.25 «Ахборот».
*
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан!».
11.00 М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 2-кўй.
11.40 Достон қўшиқлари.
12.10 «Орзули олам бу...». Телеочерк.
12.40 «Қишлоқ ҳаёти». Тележурнал.
13.10 «Мультипанорама».
13.40 «Нурли йўллар». Темирйўлчилар кунига бағишланади.
14.10 «Атланта-96».
14.25 «Ташриф». Дам олиш дастури.
14.55—15.55 «Болалигим — пошшолигим». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «LEGO сайёраси».
18.15 «Виждон». Телесериал.
19.00 «Келгуси ҳафтада».
19.15 «Оҳанглар оғушида».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Юлдузлар».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 Буюк келажак сари. «Ўзбектелефильм» тақдим этади: «Олис юлдуз шуъласи».
21.25 Илҳом сатрлари.
21.30 «Шахс ва баҳс».
21.55 «Келгуси ҳафтада».
22.10 ЎзТВ экранида премьера. М. Бобоев. «Кўнгил кўчалари». Видеофильм. 3-кўй.
22.50 Футбол олами.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Ҳафтанома».
24.00 Футбол. Ўзбекистон кубоги. «Трактор» — «МХСК».
00.45 Тунги тароналар.
00.55—01.05 «Ватан тимсоллари».
II
18.00 «Мультдаста».
18.15 «Боланинг тили...»
18.25 Эълонлар.
18.30 «Даракчи».
18.40 «Дармон».
18.50 «Мусиқий майдонча».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Панорама» (рус тилида).
19.55 Эълонлар.
20.00 «Табиат шифохонаси».
20.10 «Дилором наволар».
20.20 «Транспорт ва йўловчи».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ҳафтанома».
21.00 Эълонлар.
21.05 «Ал Бишрининг орзу-армонлари». Телесериал.
22.00 Оҳанглар ва Эълонлар.
22.30—00.10 Видео — «О».
III
16.00 Дастурнинг очилиши. Эълонлар.
*
Россия жамоат телевидениеси
16.10 — 21.30
*
21.30 Эълонлар
*
Россия давлат телевидениеси
21.35 — 22.05
*
22.05 — 22.30 «Панорама».
IV
10.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!».
10.30 Эълонлар.
10.35 «Учувчи шифокорлар». Телесериал (Англия).
11.25 «Парле ву франсэ?» Француз тили ҳамма учун.
11.55 Эълонлар.
12.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
12.10 «Бу ажиб дунё».
12.30 «Дарвоқе». Дам олиш дастури.
12.55 Киносалон. «Кунлардан бир куни Америкада». Бадиий фильм.
14.25 Араб эстрадаси.
14.40 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
16.10 «Оқ соя». Марат Содиқов.
16.40 «Мусиқий олимп».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Мультқарусель».
19.00 «ТВ IV да етти кун» (ўзбек тилида).
19.15 «Телеташриф».
19.25 Эълонлар.
19.30 Киносалон. «Бир вақтлар ёввойи ғарбда». Сержа Леоннинг ушбу фильмида Ч. Бронс, К. Кардинале, Д. Фонда, К. Иствуд иштирок этадилар.
22.10 Эълонлар.
22.15 «Туризм-ревю».
22.55 «Дурдаршан» телекомпаниясининг курсатувлари.
23.25 Эълонлар.
23.30 «Иштирок этувчилар». А. Ҳамроев.
24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

# ИТНИНГ ЖАФОСИ ҲАМ БОР

Қутуриш хасталиги юқумли бўлиб, у одамлар ва ҳайвонлар ўртасида учрайди. Асосан қутурган ҳайвонлар тишлаши оқибатида вужудга келади. Ит тишлаганда шикастланган ер орқали ҳайвон сўлагидаги вирус танага ўтади. Ўтган йили Тошкент вилоятида яшовчи 10 ёшлик Б. исмли болани қутурган ит тишлаши оқибатида унда шу хасталик ривожланган. Бола бу ҳақда ота-онасига айтмаган. Орадан ўн кунлар ўтгач, унда сувдан қўрқиш содир бўлиб, уйида оёқ — қўлларининг томири тортишиб қолган. Сўлаги оққан, бўшашиб тинкаси қуриган. Шифохонада кўрилган тиббий тадбирлар фойда бермаган, касаллик ривожланиб, бола оламдан ўтган. Агар у ўз вақтида поликлиникага мурожаат қилиб, лозим бўлган қутуришга қарши эмлашни олганда эди, бу каби аянчли воқеа содир бўлмасди.

Шуниси аҳамиятлики, мазкур хасталикнинг илк белгиларидан бири ит ёки ҳайвон тишлаган ер қизаради, шишади, қичима пайдо бўлади. Тишлаган ер чандиғи тез битмайди, оғриқ кучаяди, киши ўзини лоҳас сезади, оғиз қурийди, эшитиш ва кўриш аъзолари ташқи таъсирга сезувчан бўлиб қолади. Беморларда ёруғлик ва сувдан қўрқиш пайдо бўлади. Бемор оғзи сўлакка тўлиб кетади, у буни юта олмайди. Бу сўлак касал ҳайвонлардаги каби хавфли бўлади.

*Огоҳ бўлинг!*

Ҳамма касалликда бўлгани каби бунинг ҳам олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳайвонлар тишлаган кишилар албатта қутуришга қарши зардоблар олиши, яра бўлган ерини даволаш учун мутахассис шифокорга бориб, керакли укольларни ўз вақтида олиши лозим. Қолаверса, дайди итларни камайтириш, ҳар бир ит сақлаган шахс уни ветеринарга кўрсатиб туриши зарур. Мазкур хасталикнинг олдини олиш, беморларга тиббий ёрдам бериш мақсадида республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги жойларда қутуришга қарши муассасалар ташкил этган.

**Абдуваҳоб ТОҲИРИЙ,**
**шифокор.**

# СОВРИНЛИ ЎРИНЛАР САРИ

*ЖУРНАЛИСТ САФАР ОСТОНОВ АТЛАНТАДАН ХАБАР ҚИЛАДИ*

**БОКС.** Маълумки, олимпиадага етовлон спортчимиз йўл олган. Шулардан омади юришмай Муҳаммадқодир Абдуллаев билан Руслан Чагаев биринчи учрашувдаёқ имкониятни бой бериб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлишди. Аммо қолган беш нафар боксчимиз астойдил курашиб совринли ўринларни кўзлашмоқда. Хусусан Улуғбек Иброҳимов, Наримон Отаев, Дилшод Ёрбеков, Карим Тўлаганов, Темур Иброҳимовларга умид боғлаб турибмиз. Наримон эса чорак финалда.

**ДЗЮДО.** 71 килограмм вазнли япониялик Кенза Наканура олтин медаль соҳиби бўлди. Дзюдочиларимиздан Андрей Штрубабин билан Владимир Шмаковлар 7 ҳамда 6 ўринларни эгаллашди.

**ОҒИР АТЛЕТИКА.** Кубалик Пабло Ларо икки курашда 367,5 килограммли натижа кўрсатиб, олимпиада чемпиони бўлди. 76 килограмм вазнли спортчимиз Бахтиёр Нуруллаевнинг омади юришмади. У дасткўтариш бўйича уринишни ҳам эплолмай, ўйиндан чиқди. Яна бир вакилимиз Виктор Янский 14-бўлди.

**СУЗИШ.** Сузувчимиз Равил Начаев 100 метрли масофада 47-натижа кўрсатди.

**ЧАВАНДОЗЛИК.** Тўсиқлар ошиш бўйича Австралия спортчилари биринчи ўринни эгаллашди. АҚШ, Янги Зеландия чавандозлари иккинчи ҳамда учинчи ўринларни олишди.

**ВЕЛОПОЙГА.** Трек ўйингоҳида ўтказилган 1000 метрли пойгада франциялик Флориан Руси олтин медални қўлга киритди.

**МЕРГАНЛИК.** Аёллар мусобақасида югославиялик Александра Иосиф ўз терма жамоасига олтин медаль келтирди.

**ҚИЛИЧБОЗЛИК.** Жамоа ҳисобида Россия, Франция, Венгрия жамоалари фахрли ўринларни эгаллашди. Рапира бўйича қизлар баҳсида Франция, Италия, Россия жамоалари муваффақият қозондилар.

**ГИМНАСТИКА.** Йигитлар ўртасида мутлақ ғолиблик учун курашда хитойлик Хошу Пак ғалаба қозонди.

**БУГУН** Атланта олимпиадасининг 8-куни. Яна шунча кундан кейин мусобақалар якунланади. Юртдошларимиз енгил атлетика, бокс, эшкак эшиш, оғир атлетика ва кураш бўйича мусобақаларда қатнашадилар. Ҳозирча олтин медалларнинг кўплигига кўра Россия жамоаси олдинда бормоқда. Умумҳисобда АҚШ биринчи бўлиб турибди.